O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 5 февраль, №26 (3300) Пайшанба

*Қарор ва ижро*

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда қабул қилинган "Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш тартиби тўғрисида"ги ҳамда 2002 йил 18 декабрда қабул қилинган "2003 йилда темир-терсаклар, қора ва рангли металлар парчаларини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг ижроси юзасидан жойларда текширув ўтказди.*

## Металл — бебаҳо бойлик

Тадбирлар чоғида айрим вазирлик, идора ва корхоналар раҳбарлари томонидан "Ўзиккиламчиранглиметалл" акциядорлик жамияти билан шартнома тузиш ва ижро этишда сусткашликка йўл қўйилаётгани маълум бўлди.

Хусусан, металл парчалари тайёрлаш режаси 2003 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида 21 фоиз, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясида 27 фоиз, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятида 33 фоиз бажарилган, холос.

— Айрим ташкилот ва корхоналар томонидан шартнома шартлари бажарилмагани туфайли рангли металл ва парчалари умуман топширилмаган, — дейди Бош прокуратура умумий назорат бошқармаси катта прокурори, адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Жониқулов. — Режаларнинг бажарилмай қолишида кўп ҳолларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситаларни ҳисобдан чиқараётганда улардаги мавжуд қора ва рангли металлар, уларнинг парчаларини белгиланган тартибда топшириш чоралари кўрилмаётгани сабаб бўлаётир.

Жумладан, "Қўқониккиламчиқораметалл" корхонаси раҳбари М.Қодиров корхона томонидан топширилган иккиламчи қора металл парчалари ўрнига "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасидан 2 миллион 882 минг сўмлик 17,2 тонна арматура кам олинганини ҳужжатлаштириб қўйган. Бошқача айтганда, қўшиб ёзиш билан шуғулланган. Бу корхонадаги мавжуд қора металл сарҳисоб қилиб кўрилганида ўз исботини топди — 62,2 тонна камомад борлиги аниқланди.

Сурхондарё "Иккиламчиқораметалл" корхонаси раҳбари Э.Мажидов ҳам хусусий корхоналарга 86,7 миллион сўмлик 135,3 тонна арматурани бериб юборган. Корхона омборхонасидаги металлдан эса 1 миллион сўмлик камомад чиқди.

Ҳукуматнинг тегишли қарорларига беписанд муносабатда бўлаётган бундай шахсларга нисбатан қонунда кўзда тутилган чоралар кўрилмоқда.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Коллеж ганжинаси



*Китобдан яхши дўст йўқдир жаҳонда, деган гап салкам шиорга айланиб кетган. Ва умуман, китобнинг маънавий ганжина эканлиги хусусидаги ҳикояту ривоятлар унча-мунча қалин китобга ҳам жой бўлмайди. Фотомухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқуловнинг айтишича, Бўз педагогика коллежи раҳбарияти китоблар ҳақидаги бу ҳикматларнинг мағзини яхши тушунади. Шу туфайли 20 минг китоб фондига эга бўлган коллеж кутубхонасини янги адабиётлар билан бойитиш, умуман, нурхонани талабаларнинг серқатнов гўшасига айлантириш учун катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.*

*Дарҳақиқат, бу саъй-ҳаракатларни биз Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Озод Шарофиддинов, халқ шоир ва ёзувчилари Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Муҳаммад Али сингари ижодкорларнинг айнан ушбу коллежга ташриф буюриб, қатор учрашувлар ўтказганлигида ҳам кўрамиз. Зеро, адабиёт ва унинг яратувчилари билан дўст тутинган инсон ҳеч қачон дард қолмайди.*

**СУРАТДА: коллежнинг 1-босқич талабаси Мафтуна Рўзметова кутубхонанинг ўқув залида.**

***Республика таълим марказида "Алишер Навоий ижодида меҳр ва мурувват ғоялари талқини" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.***

*9 февраль — Алишер Навоий туғилган кун*

## Шоир ижодида меҳр ва мурувват

Семинарда таъкидландики, мустақиллик йилларида кўп асрлик қадриятлар, миллий анъаналар тикланди. Улар қаторига ҳар йили буюк аждодимиз таваллуд кунига бағишлаб ўтказиладиган Навоийхонлик ҳам киради. Ўзбек халқи асрлар давомида буюк шоир ҳурматини бажо келтириб келади. Айниқса, унинг бой маънавий меросини ўрганиш ишлари таҳсинга лойиқ.

Алишер Навоий мероси — улкан ва бебаҳо. Узоқ йиллардан бери республика ўқув муассасаларида Навоийхонлик ўтказиш яхши анъанага айланган. Улар давомида мутафаккир ижодига бағишланган конференция, семинар ва давра суҳбатлари, шеърият кечалари ўтказилади. Шоирнинг ўлмас асарлари кўп асрлардан бери одамларни меҳр, инсонпарварлик ва мурувватга чақириб келмоқда.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Истиқлол берган имконият*




## кўприги

*Бир машҳур шоир инсоннинг тирик борлиқдаги ўрнини ва бурчини таърифлаб, катта ғурур билан: биз номукаммал дунёни мукаммаллаштириш учун яратилганмиз, деган эди. Инсониятнинг миллион-миллион йиллар мобайнидаги ўзгартирувчан, бунёдкорлик фаолияти буни тўла исбот этади. Узоққа бормай, оддий бир далил келтирайлик. Маълумки, дарёлар азал-азалдан ўзининг икки ёнидаги ҳаётни ва одамларни бир-биридан узиб, ажратиб туради. Одамлар эса бунга сира рози бўла олмайдилар. Улар боғланишни, туташишни, ўзаро ҳамкорлик қилишни, борди-келдиларни истайдилар. Табиийки, шу орзу-мақсад, интилишлар манбаида кўприклар вужудга келган.*

### Дарёсига яраша ...

Кўприклар ҳар хил бўлади. Икки қишлоқни, икки туманни ёки икки вилоятни туташтирадиган, ички ҳудудий аҳамиятли кўприклар бор. Шу билан бирга, турли давлатлар ва халқларни туташтирувчи, улкан халқаро салоҳиятли кўприклар ҳам мавжуд.

Дарёсига яраша кўприги, деб шунга айтсалар керакда!

Амударё устидан ўтказилган Термиз-Ҳайратон кўприги ана шундай мартабага, мавқега эга кўприкдир. У Ўзбекистонни Афғонистон заминига туташтиради. Ўзига хос тарихли ва ўзига хос турмуш тарзига эга икки халқни боғлайди. Бу кўприк Ватанимизни афғон замини орқали бутун Осиё билан, дунё билан боғлайдиган кунлари ҳали олдинда.

Унинг, дарҳақиқат, катта сиёсий стратегик аҳамиятли йўлак эканлигини кейинги йилларда бутун ер юзида ҳам билишди. Термиз-Ҳайратон кўприги кўпгина давлатларнинг газеталарида такрор ва такрор тилга олинди. Телевидение ва радио тўлқинларида «Термиз-Ҳайратон» ибораси жаранглаб турди. Ҳали бу кўприк ўзининг эзгулик йўлидаги хизматлари билан яна кўп ва кўп бор жаҳонда тилга тушади.

### Икки муҳим воқеа

Янги асрнинг бошланғич йилида Термиз-Ҳайратон кўприги тақдирида икки муҳим воқеа юз берди. Уларни бемалол дунё аҳамиятига эга воқеалар, деб аташ мумкин.

Биринчиси шуки, 2001 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг рухсати билан «Термиз-Ҳайратон» кўприги қайтадан очилди. Маълумки, кўприк 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида Афғонистонда рўй берган сиёсий тангликлар, «толибон» гуруҳларининг ҳокимият тепасига келиши, дунёдаги энг биринчи ва ашаддий террорчи Усама бин Лодин қаноти остида ва унинг ҳомийлигида бу заминда халқаро терроризмнинг хатарли ўчоғи пайдо бўлганлиги оқибатида Термиз-Ҳайратон кўприги номаълум муддатга беркитилган эди. 2001 йилнинг охирида АҚШ бошчилигидаги терроризмга қарши халқаро аксилтеррорчи кучларнинг зарбаси остида Афғонистонда толиблар бошқаруви ҳамда бу ерда ин қурган халқаро терроризм гуруҳлари тор-мор этилди, кўприк қайта очилиши учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келди.

Халқаро БМТ ташкилоти, терроризмга қарши курашга киришган давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Президентининг Термиз-Ҳайратон кўпригини очиш билан боғлиқ қадамини катта миннатдорчилик билан кутиб олдилар.

Ниҳоят, бу кўприкнинг ҳаётида содир бўлган иккинчи муҳим воқеа шундан иборатки, худди шу — 2001 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Термиз-Ҳайратон кўприги Президентимизнинг таклифига биноан Дўстлик кўприги деган фахрли ҳамда юксак орзу-ниятларни ўзида мужассам этган янги ном билан атала бошланди.

Дўстлик кўприги!

Амударё устидаги кўприкнинг бундай номланиши, чиндан ҳам, буюк тарихий воқеадир. Чунки бу кекса дарё устига узоқ ўтмишда қурилган кўприклар ҳеч қачон бундай олижаноб ном билан аталмаган, бинобарин, улар бундай олижаноб мақсадга хизмат ҳам қилмаган.

**Давоми 2-бетда)**

## Вилоятлар даражасидаги мулоқот

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (ЎТИАА) вилоят бўлинмалари раҳбарларининг Австрияга бир ҳафталик ташрифи ниҳоясига етди. Қорақалпоғистон, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятлари вакилларидан иборат бўлган мамлакатимиз делегациясининг мазкур сафари Австрия иқтисод ва меҳнат федерал вазирлиги билан ЎТИАА ҳамкорлиги ва Ўзбекистоннинг Венадаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Австриялик ишбилармонларнинг яқинда Ўзбекистонга қилган сафарининг мантиқий давоми бўлган ушбу ташриф доирасида мамлакатимиз вакиллари Австриянинг иқтисодий тизими, мамлакатда тадбиркорлик, экспорт ривожи ҳамда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистонлик мутахассислар давлат иқтисодий муассасаларидаги учрашувлар билан бир қаторда Австрия Федерал иқтисодиёт палатаси ҳамда Гюссинг шаҳридаги Европа энергияни қайта тиклаш марказига ташриф буюрдилар.

Озиқ-овқат ва электротехника саноати, қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш, энергетика ва бошқа тармоқларда фаолият юритувчи қатор корхоналар вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида қўшма корхоналар тузиш, ўзбек маҳсулотлари экспортини кенгайтириш, мамлакатимиз саноат тармоқларига Австриянинг илғор технологияларини жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

**"Жаҳон" АА.**

## РАИСЛАР АУДИТОРИЯГА КИРДИ

***БУХОРО (ЎзА мухбири Илҳом САФАР).***

Бухоро Давлат университетида ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳафталик ўқув-семинари бошланди. Унда вилоятдаги аграр соҳага дахлдор идора ва ташкилот раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

Семинарда соҳанинг етук олим ва мутахассислари қишлоқ хўжалигининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечими тўғрисида маърузалар қилади. Машғулотлар давомида қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш, фермерликни ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилади.

Семинарнинг очилишида Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этди.

## Жойлардан хабарлар

### Сомондан... мебел

**Сирдарёда сомондан мебел ишлаб чиқариш учун ламинацияланган плита материаллари тайёрлайдиган корхона қуриш ҳаракати бошланди. Йилига 40 минг куб метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган ушбу корхона Ўзбек-Италия қўшма корхонаси — Fayz-IMAL sistemMShi ташаббуси билан бунёд этилади. Корхона учун зарур бўлган асбоб-ускуналар асосан Бельгия ва Италиядан келтирилиши мўлжалланмоқда. Энг асосийси, бу ерда ўнлаб сирдарёлик ёшлар доимий иш ўринларига эга бўладилар.**

**М. ТОЖИЕВА.**

### Имтиёзли шифохона

**Андижоннинг Султон Жўра номи билан аталувчи маҳалласида янги тиббий муассаса иш бошлади. Ушбу тиббиёт масканининг бошқаларидан фарқи шундаки, бу ерда Германия халқ университетлари уюшмасининг халқаро ҳамкорлик институти томонидан қўллаб-қувватланган лойиҳа амалга оширилаётир. Шифо маскани учун зарур бўлган дори-дармон, санитария жиҳозлари, тиббий асбоб-ускуналарнинг барчаси уюшма томонидан сотиб олинди. Эътиборли томони шундаки, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга бу ерда бепул тиббий хизмат кўрсатилади.**



**Ўз мухбиримиз.**

### Уруғ ҳам, нав ҳам сараланди

**Навоийлик деҳқонлар бу йил 39400 гектар майдонда пахта етиштиришни мўлжаллашган.**

**— Пахта майдонларининг асосий қисмига «Бухоро-6», «Ан-Боёвут-2», «Оқдарё-6» навли чигит экишни режалаштирдик, — дейди вилоят пахта уруғчилиги бирлашмаси бошлиғи Фахриддин Зайниев. — Шу мақсадда Навоий, Қизилтепа, Хатирчи пахтани қайта ишлаш корхоналарида уруғлик чигит тайёрлашга анча барвақт киришилди.**

**Қайта ишлаш ходимларининг минтақавий семинарида ҳам бу борадаги ишларга ижобий баҳо берилди. Ҳозиргача асосий миқдордаги уруғлик дориланиб, қопларга солинди.**

**Вилоят бўйича янги ҳосил учун жами 3315 тонна сифатли уруғлик тайёрлаш кўзда тутилган.**

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҒИРРОМЛИК

### ёки «Навоийдонмаҳсулотлари» уюшмасидаги қонунбузарлик хусусида

Дунёнинг ишлари қизиқ. Йил — ўн икки ой далада иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай меҳнат қилиб, етиштирган ҳосилингни давлат омборига топширсанг-у, лекин ҳақини ўз вақтида олмасанг, бундан ёмони бўлмас экан. Навбаҳор туманидаги «Янгиер» фермер хўжалиги аъзолари шундай воқеани бошдан кечиришди.

Фермер хўжалиги 2002 йил 5 октябрь куни «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик уюшмаси билан 2003 йилги ғалла ҳосилини қабул қилиб олиш бўйича 1/413-рақамли контрактация шартномасини тузди. Унда давлат эҳтиёжи учун 45 тонна 150 килограмм донли прейскурант бўйича ва 45 тонна 150 килограмм ғаллани эркин нархда етказиб бериш мажбурияти қайд этилди. Фермер контрактация шартини ошириб бажариб, тайёрлов корхонасига 114 тонна ғалла топширди.

Орадан ойлар ўтаверди. Фермер хўжалиги раҳбари Тоғай Раҳматов ортиқча топширилган дон ҳақини ундириш мақсадида қатнайвериб чарчади. Уюшмадагилар эса негадир қарзни узишни аччиқ ичакдек чўзаверишди. Бу ҳол шартноманинг амал қилиш муддати (2003 йил 30 август) тугагандан кейин ҳам давом этаверди.

Ҳамма нарсанинг чегараси бор. Бошқача айтганда, пичоқ бориб суякка қадалди. Ахир, меҳнат қилган киши унинг роҳатини ҳам кўриши керак-да. Ноилож фермер маҳсулот ҳақини ундириб беришни сўраб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

— Шартнома — лафз ҳужжати. Уюшмадаги мутасаддилар Юртбошимизнинг шартнома масъулияти ҳақида куйиниб гапиришларидан хулоса чиқаришлари керак.

### Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномалари тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низом» талабларини қўпол равишда бузаётганига нима дейсиз?

Ушбу Низомнинг 12-бандига асосан, тайёрловчи шартномада назарда тутилган ҳажмдан ортиқча топширилган маҳсулотнинг ҳаммасини унда белгиланган шартларда қабул қилиб олишга мажбур. Унинг 24-бандига кўра эса, маҳсулот қиймати бўйича ҳисоб-китоблар уч календарь кунидан кечиктирилмай тайёрловчига хизмат кўрсатувчи банк муассасаси орқали амалга оширилиши керак.

Бироқ уюшмадагилар ўзларида сақланаётган шартномага ўзгартириш киритиб, «ҳисоб-китобларни амалга ошириш тегишли жамғарма томонидан маблағ ажратилгандан сўнг 7(етти) кунлик муддатда маҳсулот қийматини тўлаш мажбуриятини олади». Қизиқ, бу билан ўзларини жавобгарликдан соқит қилишмоқчими? Ахир, ҳужжат тўрт томонлама тузилган бўлиб, жамғарма ва банкнинг ушбу шартномавий муносабатларга умуман алоқаси йўқ-ку! Амалдаги қонунларга, тартибга асоссиз ўзгартиш киритишдан мақсад нима?

Вилоят адлия бошқармаси бу каби ҳолатларни чуқур ўрганиб чиқди. Фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, уюшмадан қарзни ундиришни сўраб хўжалик судига даъво аризаси киритди. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра, «Янгиер» фермер хўжалигининг ортиқча топширган дон маҳсулоти учун 1735362 сўм пул мажбурий равишда ундирилди. Жами харажатларни жавобгар тўлади. Мутасаддиларга тегишлича чоралар кўрилди.

Бугунги куннинг талаби шундай. Шартлашдингми, бажар. Андишани қўрқоқликка йўйиш ярамайди. Ҳақ вақтида тўланмаса, ундирилади. Чунки қонун бунга йўл қўймайди. Аммо бу оддий ҳақиқатни «Навоийдонмаҳсулотлари» корхонаси раҳбарлари ўз вақтида англаб етмагани ачинарлидир.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Болалар спорти

*Оила қувончи, ота-она шодлиги, эртанги кун ворислари — фарзандларга эътибор қанчалик юксак бўлса, биз келажагимиз ҳақида шунчалик ёруғ тасаввурларга эга бўламиз. Бир пайтлар қобилияти бор-у, аммо уни кўрсатиш учун имкони бўлмаган болаларга эндиликда катта имкониятлар эшиги очилди. Илм ўрганаман, ҳунар эгаллайман, деган фарзанднинг йўлига ҳеч ким тўсиқ бўлмайди. Аксинча улар қўллаб-қувватланмоқда. Шу боис ҳам бугун юртимизнинг исталган гўшасига борсангиз, болажонларнинг спорт билан машғул бўлишга иштиёқлари баланд эканлигини сезасиз. Бу бежиз эмас, албатта.*

# Устоз кўрмаган шогирдлар

Маълумки, юртимизда болалар спортига катта эътибор берилмоқда. Бундан кўзланган мақсад — эртанги кунимиз эгаларини нафақат жисмонан, балки маънавий, ахлоқий жиҳатдан етук бўлишига эришмоқликдир. Фарзандларимиз соғлом ва бақувват экан, биз тинч-хотиржаммиз, ҳаловатдамиз. Президентимиз имзолаган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармон ва бу ҳужжат асосидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан синчиклаб танишган киши унинг замирида миллатнинг эртанги тақдири учун пойдевор қай даражада ҳозирланаётганлигини билиб олади. Энг муҳими, мана шу Фармоннинг эълон қилиниши юртдошларимизнинг дилидаги айни истак эканлигини, у бутун халқимиз истиқболига боғлиқлигини тобора теранроқ тушуниб етаяпмиз. Бу ўринда уч бўғинда ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" (мактаблар ўқувчилари), "Баркамол авлод" (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари), "Универсиада" (олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги) каби кенг қамровли мусобақалар айни масалани ривожлантириш йўлидаги йирик қадамдир.

Болалар спортини ривожлантириш йўлидаги қўлга киритилаётган ютуқлар ўзимизники, албатта. Лекин бу борадаги камчиликлардан кўз юмиш ўзимизга, келажагимизга хиёнатдир. Очиғи, айни пайтда спортни ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида республикамизнинг ҳамма жойидаги аҳволни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу ҳақда Президентимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йил бошида бўлиб ўтган йиғилишида алоҳида тўхталдилар. Давлатимиз раҳбари куюнчаклик ила таъкидлаб ўтган бундай қусурлардан бири — кўпгина таълим даргоҳларида спорт иншоотлари йўқлиги, жисмоний тарбия дарслари ҳаминқадар ўтказилаётганлигидир.

— Яқинда Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги бир нечта мактабларни махсус комиссия тузиб, текширдик, — дейди Давлат спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулла Ачилов. — Аксарият мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг савияси жуда паст. Спорт ишооти йўқлиги боис дарслар кўчада ўтилаётган мактаблар ҳам бор. Кўчада машғулот ўтаётган бир ўқитувчи билан суҳбатлашганимизда, у бизга жисмоний тарбия ўқитувчиси эмас, балки меҳнат муаллими эканлигини, мутахассис етишмаслиги боис ярим ставка жисмоний тарбиядан сабоқ бераётганлигини айтди.

Спорт мутасаддисининг бу гапларини бежиз келтирмадик. Гап шундаки, бугун мана шу каби муаммо кўпгина туманларимиз, чекка-чекка қишлоқларимиз учун хосдир. Баъзи жойларда спорт иншооти бор-у шуғулланиш учун анжом-ускуна етишмаса, айрим масканларда бу борада болаларни бугунги кун талаблари даражасида тарбиялайдиган ўқитувчи йўқ. Борларининг аксарияти бояги ўқитувчига ўхшаб, бошқа йўналиш бўйича ихтисослашган. Бу эса, табиийки, спортга ишқи баланд, аммо юксалиш учун таянчи бўлмаганларнинг сонини кўпайтиришга олиб келади.

— Яқинда чекка туманларимиздан бирида бўлдим, — дейди ҳамкасбларимиздан бири. — Бир қишлоқдаги мактабга бориб, спортга эътибор билан қизиқдик. Ишонасизми-йўқми, мактаб стадиони чеккасида турникдан тортиб штангагача, брусу айланма ҳалқаларгача қурилган спорт жиҳозларини кўриб ҳавас қилдик. Қишлоқ аҳлининг айтишича, бу ер айниқса кечки пайт гавжумлашаркан ва катта ёшдагилардан тортиб ўсмир болалар ҳам спорт билан машғул бўларкан. Улар бундай анжомлар келтирилганидан хурсанд эканликларини билдиришди. Ўз ўрнида яна шуни ҳам қистириб ўтишдики, болаларимиз спортга ниҳоятда ўч, аммо улар маълум маънодаги кўрсаткичларга амал қилмай, ўзлари билганларича шуғулланишади. Бунинг учун эса яхши тарбиячи керак. Ана шуниси муаммо...

Ўрни келганда кўп нарса тарбиячи, мураббий, ўқитувчига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Негаки, мактабдаги, коллеж ва лицейлардаги, умуман, барча таълим даргоҳларида сабоқ олувчиларнинг савияси, онги мураббий билан бевосита боғлиқдир. Айниқса, бу ҳолат мактабларда яққол билинади. Мактабда дарс берадиган жисмоний тарбия ўқитувчиси қанчалик лоқайд бўлса, болалар ҳам спортдан шунчалик узоқлашадилар. Агар туманлараро ёки вилоятлараро бирор мусобақа ўтказиш ташкиллаштирилса, унда боягидек ўқитувчилар дарҳол бошқача йўл тутадилар. Яъни, мактабни битириб кетган бўлса ҳам футбол ёки баскетболни яхши ўйнайдиган йигитларни топиб, ҳужжатнинг ҳам йўлини қилиб беллашувга олиб борадилар. Мусобақа бошида турганлар эса бу ҳолни билсалар-да, кўп ҳолларда индашмайди. Чунки уларга тегишли мактабларда ҳам бундай "аъзолар" бўлади. Бундай қалбакилаштиришдан кимлар манфаатдорлигини билмадиг-у, аммо бу нарса спортни жон-дилидан севган, бироқ ўқитувчининг бепарволиги, виждонсизлиги, ялқовлиги, инсофсизлиги боис четда қолиб кетаётган, оқибатда мактабининг жамоаси ўйинда ютқазганлигидан куюнадиган ўқувчига албатта оғир ботади.

Агар таълим даргоҳларида жисмоний тарбия маданиятидан сабоқ берувчи ўқитувчилар, шу соҳа мутасаддилари ўз ишларига виждонан ёндашсалар, аминмизки, ана ўшанда болалар ўртасидаги ҳар қандай мусобақа ҳақиқий беллашувга айланади. Ваҳоланки, юқоридаги мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад ғолиблик шоҳсупаси эмас, балки спортнинг ҳар бир киши ҳаётида муҳим аҳамиятга молик эканлигини, унинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришда аҳамияти беқиёслигига урғу беришдир. Зотан, жамиятда соғлом турмуш тарзи шаклланиб, кўнгил мунаввар бўлгандагина келажак сари одимлаш янада тезлашади. Болалар спортига қаратилаётган эътибор эса ана шу ҳақиқатни мужассам этганлиги ва тарғиб қилаётганлиги боис ҳам диққатга сазовордир. Демак, бу борада ҳеч биримизнинг бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Совун... покламади

— Э, қойил, туппа-тузук артист эканман-у, а? Ўзиям бир чигали бор-да, индамасдан бир даста пулни санаб берди-я! — У ўзида йўқ хурсандлигидан навбатдаги дўкондор қаршисида қандай пайдо бўлганини сезмай қолди.

— Паркент тумани солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходими бўламан,— жиддий қиёфадаги Элёрнинг гап оҳангларида жиндай дағдаға ва қатъийлик сезиларди. — Ҳужжатларни бир-бир назоратдан ўтказайми ё келишиб қўяқоламизми?...



**Қилмиш — қидирмиш**

Сотувчи сергак тортди. Гумон аралаш нима қиларини билмай довдиради.

— Ҳозир туман департаменти бошлиғи Хўжабой Асқаровнинг ўзи етиб келганда, қимматга тушасиз... — Элмуроднинг бу луқмаси сотувчи гумонларини тарқатгандай бўлди. Катта пакетни хўжалик совунларига тўлатиб қўлига тутқазди.

— Ҳозирча...кейин яна рози қиламиз, ўзим сизни топиб оламан...

Буни қарангки, кейинги дўкондор ундан ҳужжат талаб қилиб қолди. Бу гал Хўжабой Асқаровнинг исми-шарифи балогардон бўлолмади. Сотувчи текширув дафтарига ёзишини талаб қилганда, бир нарсаларни қоралаган бўлди-да, ғулдираб аста чекинди.

Ҳартугул, таваккал қилиб кирган бошқа бир дўконидан пул ундиролди. Аммо кўп ўтмай, бир кунлик "солиқ ходими"нинг фаолияти шов-шувга айланди. Гап шундаки, ҳақ-ҳуқуқлари "уйғонган" сотувчилар Паркент тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи Хўжабой Асқаровга воқеани баён қилишди. Ҳақиқат аён бўлди. Ҳаром топилган луқма бўғзидан ўтмасданоқ, Элмурод қўлга олинди. Қилмишига яраша жиноят иши қўзғатилди.

Айни кучга кирган ёшида Элмурод Мирюсупов арзимаган 5-6 минг сўм текин даромадни деб бир умрлик тавқи лаънатни бўйнига илди.

Наҳотки, Паркент тумани "Матлубот" ҳиссадорлик жамиятига қарашли савдо дўконлари сотувчиларига текширишга келган ҳар қандай киши ҳужжат кўрсатиши, махсус дафтарга шахси ва мақсадини ёзиши лозимлиги аён бўлмаса?

Одатда қонун асосида, ҳалол ишлаётган дўкондор ё корхона эгаси таъмагирга ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ пул тутқазмайди. Ишида чигалликлар ва ноқонуний ҳолатларга йўл қўйган дўкондор ё корхона эгасини чув тушириш осон. Улар кирдикорлари фош бўлишидан чўчиб, ишни тезгина "ёпти-ёпти" қилмоқчи бўладилар. Қарабсизки, бир иллат кейингисини чақираверади. Уларга чирмашганнинг косаси оқармайди, бир кун келиб, бутунлай синганда эса вақт ўтган бўлади.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Олимпиада иштирокчисига — «Матиз»

Фарғоналик Шерзод Ҳусанов мамлакатимиз шарафини жаҳоннинг энг нуфузли бокс мусобақаларида муносиб ҳимоя қилаётган спортчилардан. У ўтган йили аввалига Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланди. Кейин эса Италияда ҳарбий спортчилар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Шерзод бу йилги баҳсларни ҳам яхши бошлади. Яқиндагина Филиппинда якунланган қитъа биринчилигида иккинчи ўринни қўлга киритиб, шу йилнинг ёзида Афинада ўтадиган Олимпиада ўйинлари иштирокчисига айланди. Шу муносабат билан яқинда Фарғона вилоят ҳокимлигида таниқли спортчи шарафига тантанали маросим уюштирилди. Маросимда вилоят ҳокими Алишер Отабоев Шерзодга ҳокимликнинг совғаси — "Матиз" енгил автомашинасини топширди. Ҳоким кўҳна юртда кечажак баҳсларда боксчига омадлар тилади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Игнатий Нестеров «Вест Хэм»га ўтадими

Кейинги пайтларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида миллий терма жамоамиз ҳамда "Пахтакор" дарвозабони Игнатий Нестеровнинг Англия биринчи лигаси иштирокчиси "Вест Хэм" жамоаси таркибига қўшилиши ҳақида жуда кўп гапирилаяпти. Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, "Вест Хэм" мураббийлари Игнатийни футбол бўйича Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида обдон кузатишган. Ундан кейин эса Москвадаги МДҲ давлатлари чемпионлари баҳсида ҳам миллий терма жамоамиз посбони ҳақиқий маҳорат соҳиби эканлигига ишонч ҳосил қилишган.

Бу хабарларда қайсидир маънода ҳақиқат бордек. Негаки, ўтган йили Англия "премьерлига"сидан биринчи лигага тушиб кетган "Вест Хэм" клуби ишончли дарвозабони Девид Жеймсни "Манчестер Сити"га сотиб юборди. Шунга асосланиб, Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги Игнатий Нестеров англияликлар сафига қўшилишини маълум қилган.

Масалага ойдинлик киритиш учун пойтахт жамоаси матбуот хизматига мурожаат қилдик. "Пахтакор" клубининг матбуот котиби Улуғбек Мирзаевнинг айтишича, жамоа раҳбарлари бундай миш-мишлардан таажжубда эканлар.

— Англияликларнинг ўзлари бизга бу борада расман мурожаат қилишмади, — дейди матбуот котиби. Айни пайтда посбонимиз Игнатий Нестеров Қибрайда "Пахтакор"нинг мавсумолди тайёргарлик машғулотларида қатнашмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз чемпиони ҳам маҳоратли дарвозабондан айрилишни истамайди. Пахтакорчилар бу йилги мавсумда Осиё чемпионлари лигасида биринчиликни қўлга киритишни кўзлашган. Айтиш мумкинки, ёш Игнатий жамоаси ғалабаларига ўз ҳиссасини қўшади.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 26 январда тасдиқлаган № 19-03-РУз-8-2004 й. нархлар прейскурантига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2004 йил 1 февралдан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 24700 сўм миқдорида белгиланди.

8554Н/244

O'zLotto

«ЎЗЛОТТО» лотереяси 7-тиражининг ҳисоботи

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдикланган Телевизион, сонли «O`zlotto 6\40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 28 17 36 12 10 16

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 31 январь

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 1 684 375 | 0 | 0 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 502 600 | 34 | 14 782 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 1 759 100 | 602 | 2 922 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 7 февраль куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг Жек-пот суммаси — 100 000 000 сўм

«Мултилот» қўшма корхонаси

тўкин ҳаёт сари!

«ВОЛГА» автомобиллари пул ўтказиш йўли билан СОТИЛАДИ

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-3110, ГАЗ-3102 автомобилларини, шунингдек, «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.



Телефон: 119-21-83.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

Корхона ва ташкилот раҳбарлари диққатига!

«FAVORIT-INTEL» МЧЖ сизга қуйидаги хизматларни таклиф этади:



✓ бухгалтерия ва архив ҳужжатларини муқовалаш;

✓ компьютерларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш.

Телефонлар: 107-98-51, 158-01-51.

Katris ФИРМАСИ



МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАЙЁРЛАЙДИ.



90-07-87
92-03-95
158-15-73



Мебель олсанг «Katris»дан, роҳат қиласан дилдан.

8521Н/147

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63

242-хона



ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИГА дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар диққатига!

Давлат тест марказида (Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 12-уй) эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2004 йил февраль ойининг қуйидаги кунларида ўтказилади (қатнашчиларни рўйхатга олиш Давлат тест маркази биносида соат 9.00дан 9.30гача).

| Т/р | Таълим йўналишлари | Ўтказиладиган вақти |
|---|---|---|
| 1. | Педагогика | 18 февраль, соат 10.00 |
| 2. | Тиббиёт | 20 февраль, соат 10.00 |
| 3. | Муҳандислик | 25 февраль, соат 10.00 |
| 4. | Иқтисод | 27 февраль, соат 10.00 |

Маълумот учун телефон: 134-46-83.

Давлат тест маркази.


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девоннинг масъул ходими Д.А.Охунжоновага волидаи муҳтарамаси

**МАҲСУМА аянинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси жамоаси «Ўзкоммаишийсавдо» акциядорлик жамияти бош директори Р.Хисамовга падари бузруквори

**МАЛИК отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмита ходими Сирожиддин Ғуломовга волидаи муҳтарамаси

**Маҳбубахон ҒУЛОМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маънавият» нашриёти жамоаси нашриёт ходимаси Саида Абдусаматовага отаси

**Илёс ТОЖИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг бош ҳисобчиси

**Шавкат ЭРГАШЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ozbekyengilsanoat» давлат акциядорлик компанияси жамоаси «Гурлан» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Фахриддин Жуманиёзовга ўғли

**ОЛИМЖОНнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ



Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.



БЎЛИМЛАР:

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 374, 33013 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А.Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21. 00.*
2 3 4 5 6